ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

26 сентябрь, шанба 1998 йил №113(614)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ушбу сонда:

1 ЗАРШУНОСЛАР ЗАФАРИ
2 МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН — ЮЗ ЁШЛИЛАР МАМЛАКАТИ
3 TV ДАСТУРИ
4 ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ДУРДОНАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида

Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган довюрак курашчи, миллий қаҳрамон, жаҳон халқлари тарихида ўчмас из қолдирган Жалолиддин Мангуберди таваллудига 800 йил тўлиши муносабати билан унинг хотирасини абадийлаштириш ва тарихий адолатни қарор топтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Хоразм вилояти ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлигининг 1999 йилда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси таркиби тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита бир ой муддатда мазкур санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқсин ҳамда уни бажаришга киришсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси: тегишли вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари билан биргаликда 1999 йилда «Жалолиддин Мангубердининг дунё тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро конференция ўтказсин;

илмий-ижодий уюшмалар, жамоат ташкилотлари ва «Олтин мерос» жамғармаси билан биргаликда бир ой муддатда Жалолиддин Мангубердининг Марказий Осиё халқлари тарихида тутган ўрнини холис ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича дастур ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

хоразмшоҳлар замонида ёзилган қўлёзма асарларнинг чет элларда сақланаётган нусхалари рўйхатини тузсин ва уларни (микрофильмларни) олиб келиш учун хорижга мутахассисларнинг илмий сафарини ташкил қилсин;

Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда хоразмшоҳлар даври тарихи, илм-фани, маданияти ва санъатига оид адабиётларни расмий тантаналаргача чоп этишни режалаштирсин.

4. Хоразм вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда қадимий меъморлик анъаналари билан уйғунлашган Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуасини Урганч шаҳрида 1999 йилда барпо этиш масаласини ҳал қилсин.

Ўзбекистон Бадиий академияси бир ой муддатда Жалолиддин Мангуберди қиёфасини яратиш бўйича республика очиқ танловини ўтказсин.

5. Ўзбекистон телерадиокомпанияси Жалолиддин Мангуберди яшаган давр ва унинг Ватан озодлиги йўлидаги жасоратли ҳаётини акс эттирувчи туркум кўрсатув, эшиттиришлар дастурини тайёрласин ва амалга оширсин.

Халқ қаҳрамонининг ҳаёти ва ўлмас жасоратлари матбуот воситаларида кенг ёритилсин.

6. «Ўзбеккино» компанияси Жалолиддин Мангуберди ҳаётига бағишланган бадиий фильм яратишни режалаштирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ва Молия вазирлиги 1999 йилда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги муносабати билан эсдалик юбилей тангасини муомалага чиқарсин.

8. Ушбу қарорда кўрсатилган ва ташкилий қўмита тасдиқлайдиган тадбирларни амалга ошириш ҳаражатлари тенг улушларда республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

Бу ишга ҳомийлар, шу жумладан хорижий ҳомийларнинг ўз улушларини қўшиш ҳақидаги таклиф-истаклари қўллаб-қувватлансин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 24 сентябрь.

Мусиқа фестивали якунланди

Мамлакатимизда барча санъат соҳалари каби профессионал композиторлик ижодиётига ҳам жиддий эътибор берилаётир. Пойтахтимизда симфоник ва камер мусиқа санъатига бағишланган илк йирик халқаро анжуман ўтказилганлиги бунинг яққол мисолидир. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ташкил этилган бу тадбирда жаҳоннинг композиторлик ижодиёти кенг тараққий этган йигирмага яқин мамлакати вакиллари, шу жумладан Америка Қўшма Штатлари, Франция, Хитой, Туркия, Корея, Люксембург, Болгария каби йирик давлатлар, Марказий Осиё мамлакатларининг таниқли композитор, дирижёр, мусиқашунос ва созандалари иштирок этди.

Ўзбек миллий симфонияси мактабининг энг юксак ютуқларини халқаро миқёсда тарғиб ва ташвиқ этиш, айни пайтда жаҳон симфоник мусиқасининг янги намуналари билан таништиришни мақсад қилган фестиваль тўрт кун давом этди. Ана шу вақт мобайнида анжуман қатнашчилари ҳамда мусиқа санъати мухлислари хорижий ва ўзбек бастакорлари асарларидан иборат еттита концерт тингладилар. Симфоник, камер ва орган мусиқасидан иборат бу дастурларга Мутал Бурхонов, Икром Акбаров, Рустам Абдуллаев, Сайфи Жалил, Дилором Омонуллаева сингари ўттизга яқин бастакорларимизнинг асосан мустақиллик йиллари яратилган энг яхши асарлари киритилди. Уларни Ўзбекистон миллий симфоник оркестри, Республика телерадиокомпанияси камер оркестри, Тошкент Давлат консерваторияси қошидаги мусиқали театр-студияси симфоник оркестри ва хор жамоаси, «Еш истеъдодлар» камер оркестри, шунингдек, кўпгина таниқли хонанда ва созандалар ижро этди.

Халқаро мусиқа анжумани доирасида «Миллий анъаналар ва замонавий композиторлик ижодиёти» мавзуида давра суҳбати ҳам ўтказилди. Унда хорижий ва ўзбекистонлик бастакорлар, мусиқашунос олимлар қатнашиб, жаҳон замонавий композиторлик ижодиёти жараёнлари, янги йўналишлари тўғрисида фикр-мулоҳаза билдирдилар. Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистонда мусиқа санъати, айниқса, унинг симфоник жанри юқори даражада эканлигини эътироф этдилар.

25 сентябрь куни пойтахтдаги «Туркистон» саройида халқаро симфоник мусиқа фестивалининг ёпилишига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Уни фестивал бош директори, Ўзбекистон бастакорлар уюшмасининг раиси Рустам Абдуллаев кириш сўзи билан очар экан, бу тадбир Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг мантиқий давоми бўлиб, ҳақиқий санъат байрамига айланганлигини таъкидлади.

АҚШ Бостон университетининг профессори, мусиқашунос Петер Чайлд ва хитойлик композитор Гиа Гианг ўз сўзида мазкур анжуман жаҳон халқлари ўртасида маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, мусиқа санъатини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилганлигини, Ўзбекистонда мусиқа санъати, айниқса, унинг симфоник жанри юқори даражада тараққий этганлигини эътироф этди.

Анжуман чет эл ва ўзбек бастакорлари асарларидан тузилган симфоник мусиқа концерти билан якунланди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев қатнашди.

Бахтиёр МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

Суратда: франциялик бастакор Бакри ўз маҳоратини намойиш этмоқда.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

«Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги

Ўзбекистон оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Республика «Матбуот тарқатувчи» ёпиқ акциядорлик жамияти, Республика ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Ўзбектуризм», «Ўзтелерадиокомпания», Самарқанд СТВ мустақил телекомпанияси, Андижон ёшлар телерадиокомпанияси, «Миллий тикланиш», «Мулкдор», «Ватан», «БВВ» каби ўттиздан ортиқ оммавий ахборот воситалари ва ташкилотлар нодавлат ахборот агентлигини ташкил этиш ташаббуси билан чиққан эдилар. 25 сентябрь куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Туркистон-Пресс» нодавлат ахборот агентлиги ёпиқ акциядорлик жамиятининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

Таъсис йиғилишида «Туркистон-Пресс» нодавлат ахборот агентлигининг таъсис шартномалари, шунингдек, агентлик низоми тасдиқланди. Акциядорларнинг умумий йиғилиши З.Розиевни «Туркистон-Пресс» нодавлат ахборот агентлигининг бош директори этиб сайлади. Шунингдек, агентликнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари сайландилар.

Нодавлат ахборот агентлигининг асосий мақсади мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократия жараёнларини чуқурлаштириш, оммавий-ахборот воситаларининг ахборот олиш имконияти, уларни бозор иқтисодиёти ва демократик тамойиллар асосида ислоҳ қилишни кучайтириш, Ўзбекистоннинг жаҳон ахборот бозоридан ўзига мос ўринни эгаллашига эришиш, шунингдек, жаҳонга мамлакатимиз ҳақида холис ахборот тарқатиш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг жаҳон миқёсидаги ахборотларга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришдан иборат.

/ЎзА/

РЕСПУБЛИКА КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Элликқалъа туман қўмитасига қарашли 31 та бошланғич ташкилотда касаба уюшма қўмитаси ҳамда хўжалик маъмурияти ўртасида тузилган жамоа шартномаларига асосан меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ижмолаш ишлари олиб борилмоқда. Шу жумладан тумандаги кам таъминланган оилаларга йил бошидан буён 215491 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 130215 сўмлик бошқа турдаги саноат ҳамда қурилиш материаллари жаъми 350 минг сўмликдан зиёд моддий ёрдам берилди.

Шунингдек, туманда «Оила йили» муносабати билан турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ҳам ўтказилмоқда. Яқинда «Нуроний», «Камолот» туман жамғармалари билан ҳамкорликда «Намунали оила» кўрик-танлови ўтказилди. Ғолиблар қиймат-баҳо буюмлар ҳамда пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

* * *

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасидан хабар қилишларига кўра тармоққа кирувчи хўжалик ташкилотларида йилдан йилга қўшма корхоналар ошиб бормоқда. Ҳозиргача уларнинг сони 60 дан ошиб кетди. Айни пайтда мазкур корхоналарда 4 мингга яқин ишчи ва хизматчилар меҳнат қилмоқда.

Қўшма корхонада асосан озиқ-овқат турли хил ичимликлар ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

* * *

Сурхондарё вилояти агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ва унинг жойлардаги тизимлари хўжалик маъмуриятлари билан ҳамкорликда аҳолининг кам даромадли қисмини ижтимоий ҳимоя қилишда яхшигина натижаларга эришмоқда. Вилоятдаги 3636 1-гурух ногиронларига, 2838 кўп болали оилаларга жойлардаги хўжаликлар, касаба уюшма қўмиталари томонидан адресли ёрдам уюштириш ташкил этилган. Шунингдек улар учун электр энергияси, газ, ичимлик сувидан ва бошқа коммунал маиший хизматларга ҳақ тўлашда ҳам имтиёзлар яратилган.

Вилоятда истиқомат қилувчи уруш ногиронлари, Чернобл фожиасини бартараф этишда қатнашганлар касаба уюшмалари томонидан оталиққа олинган бўлиб, уларга кундалик эҳтиёж моллари, шахсий томорқалар учун уруғлар, уй ҳайвонларига ем-хашак имтиёзли нархларда сотилмоқда.

* * *

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг V пленуми бўлиб ўтди.

Пленумни Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раиси М.М.Содиқов қисқача кириш сўзи билан очди.

Пленумда кенгаш раисининг ўринбосари А.Мавлонов «1998 йил - Оила йили» Давлат дастурини ҳаётга тадбиқ этишда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича иш берувчилар ва касаба уюшма қўмиталарининг иши тўғрисида» маъруза юзасидан мунозараларда сўзга чиққан нотиқлар корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат аҳли ҳамда улар оила аъзоларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар, ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Пленумда Тошкент шаҳар ҳокимлигида маслаҳатчи вазифасида ишлаб келган Ю.Асепков пойтахт касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари, кенгаш аъзоси ва раёсат аъзоси этиб сайланди.

Пленумда кўрилган бошқа масалалар юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

Самарқанд хабарлари

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Самарқанддаги «Красный двигатель» ишлаб чиқариш бирлашмаси асосан енгил ва юк автомобиллари учун гильзалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, республикада шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжнинг 70-80 фоизини қондириб келмоқда.

Тиниб-тинчимас, аҳил жамоанинг саъй-ҳаракати билан эндиликда мазкур корхонада «Олтой» тракторлари учун ҳам гильзалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бу муҳим эҳтиёт қисмлар айни пайтда республикамиздаги барча қишлоқ хўжалик корхоналарига, ҳатто Россиядаги трактор заводларига ҳам етказиб берилмоқда.

Янги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилиши корхона иқтисодиётини барқарорлаштиришда, ишчилар моддий манфаатдорлигини оширишда ва ижтимоий ҳимояни янада кучайтиришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

ЎЗИМИЗНИНГ ҚОҒОЗ

Қадимда Самарқандда қоғоз ишлаб чиқарилган. «Самарқанд» навли қоғоз XIV-XVII асрларда Шарқда машҳур бўлиб, рассомлик ва хаттотликда кенг қўлланилган. «Мерос» ҳунармандлар уюшмаси ва халқ ҳунармандчилиги вилоят марказида унутилган ана шу навли қоғозни ишлаб чиқаришни қайта тиклади.

Бу ишни амалга оширишда уюшма раҳбарлари Зариф Мухторовга ва усталарга америкалик мутахассислар Александра Сатерно ва Тошкент шарқшунослик институти ходими Шомаҳмуд Муҳаммаджонов, АҚШнинг «Каунтерпарт Консорциум» жамғармаси яқиндан ёрдам беришди.

Р.ҚУРБОНОВ.

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Улуғтоғ этакларидаги паст-баланд, ўта нотекис ва ноқулай ерларда пахта етиштириб, тумандагина эмас, балки Андижон вилоятида биринчи бўлиб маррага етиб келдилар. Гектар бошига 20 центнерга яқин хирмон кўтарилди.

- 374 гектар ерда ғалла, 228 гектар ерда пахта, ўнлаб гектар майдонларда полиз ва сабзавот экинлари етиштираётгандик. Баҳорда ғўза авжи шоналаётган, буғдой донга кирган пайтда устма-уст сел келди, дўл ёғди,-дейди хўжалик касаба уюшма қўмитасининг раиси Холмуҳаммад Аҳмедов,-ғўзадан на барг, на ҳосил нишонаси қолмади, мева ва бошқа экинлар гулини дув-дув тўкди. Лекин табиат инжиқлиги меҳнат кишилари иродасини бука олмади. Улар аҳдда маҳкам туриб, парваришни миришкорларча давом эттирдилар. Чигитни бир неча марталаб қайта экдилар.

Бунда албатта раис Раҳимжон Маъмуров бошлиқ бошқарув аъзоларининг ташкилотчилик қобилияти ҳамда касаба уюшма фаолларининг далада қулай меҳнат шароити яратиб қўйганликлари жуда қўл келди.

Хўжаликнинг Қодиржон Бозорбоев, Абдураҳмон Асқаров, Роҳатали Мадраҳимов, Абдумутал Баротохуновлар бошлиқ бригадалари биринчи теримдаёқ гектаридан 20-21 центнердан ҳосил йиғиб олиб, бошқаларга ибрат бўлдилар.

Жамоа хўжалиги аъзолари пахта йиғим-теримини қизғин давом эттиришмоқда. Уларнинг мақсади ҳосилдорликни 30 центнердан оширишдир.

- Бу маррадан анча ўзиб кетишимизга ишончим комил,-дейди илғор теримчи Мавлудахон Жабборова,- чунки далаларимизда ҳали ҳосил чўғи катта. Хўжалик бошқаруви билан касаба уюшма қўмитаси бизга юқори унум билан ишлашимиз учун ҳамма шароитни яратиб қўйишган, илғорларни мунтазам рағбатлантириб боришяпти.

Ш. НЕЪМАТОВ
М. АБДУКАРИМОВ.

«Пахта - 98»

Нишон тумани далаларида мўл ҳосил тўпланди. Шу кунларда туман аҳли катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишга ҳаракат қилмоқда. Далаларга «зангори кема»лар олиб чиқилди. Машинада пахта терими айниқса, «Туркманистон» ва У.Юсупов номли жамоа ширкатлар хўжаликларида қизғин бораётир.

Суратларда: бригада бошлиғи Ш.Нормуродов, механизатор А.Эрматов, машина-трактор парки бошқарувчиси Қ.Ражабов;

бўлим бошлиғи Ҳ.Хўжаёров ва бригада бошлиғи Ч.Мусаевлар ҳосил чўғидан мамнунлар;

машинада пахта терими пайти.

Шавкат СУЛТОНОВ олган суратлар.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН — ЮЗ ЁШЛИЛАР МАМЛАКАТИ

ТИНЧЛИК, ХОТИРЖАМЛИК БЕБАҲО БОЙЛИК

108 ёшли Ҳалима момо Есенова, Бахмал тумани

Биз кексалар юртимизга тинчлик, хотиржамликни берсин, дея кўпда дуо қиламиз. Боиси барча каттаю кичик эзгу ишларни рўёбга чиқариш учун аввало шу нарса сувдек, ҳаводек зарур. Не бахтки, бизга Яратганнинг ўзи етказган Президентимизнинг ақли-заковати, осуда кунларимизни таъминлаш йўлидаги бетиним саъй-ҳаракатлари шарофати билан ҳатто ғанимларнинг ҳам ҳавасини келтириб чиройли ҳаёт кечирямиз.

Мамлакатимиз раҳбарининг Исроил давлатига сафари якунларига бағишланган кўрсатувни ойнаи жаҳон орқали бутун оила аъзоларим билан кўрдик. Ул мўътабар зотнинг Ватан, иймон, эътиқод ҳақидаги бағоят ҳаяжонли сўзларини эшитиб қалбларимиз жунбушга келди, кўзларимда севинч ёшлари пайдо бўлди. Яна бир бор иймоним комил бўлдики, Президент тенги йўқ юртимиздаги ҳар бир инсонни бахтли-саодатли, ҳамиша омон-эсонликда кўришни умрининг мазмуни деб билмоқда. Шу эзгу мақсад йўлида ўзини аямай қўлдан келган ҳамма ишни қилмоқда. Шу боис ҳар тонг қўлимни дуога очиб Яратгандан давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, чинордек умр, куч-қувват сўрайман. Биз оналарнинг яна бир эзгу ниятимиз - элу юрт омонлиги, фаровон яшаши йўлидаги беқиёс ишларининг роҳатини бола-чақалари билан кўриш насиб этсин.

Том маънода бахтли аёлман. Хонадоним тинч, фарзандларим, эвара-чевараларим бағримда. Ҳукумат томонидан кўп қатори менга ҳам катта мадад кўрсатилаяпти. Томорқамизнинг ўзи катта оиламиз насибасини таъминлаяпти. Мол-ҳолимиз сероб. Болаларимнинг ҳалол меҳнати эвазига топилган даромад ҳисобидан янги уйлар қурдик, тўйлар ўтказдик. Қишлоғимиз бешолти йил ичида жуда чиройли бўлиб кетди. Узоқ йиллар тезак тутатиб овқат тайёрлаган бўлсак, энди хонадонларимизда беминнат зангори олов ёнмоқда. Ичимлик суви ҳам бисёр. 108 ёшга кирган бўлсам-да, руҳим тетик, ғайратим етарли. Президентимизнинг фахрийларга эътибори кўнглимизни тоғдек кўтармоқда. Илойим меҳрибонимизга, жаннатмакон юртимизга, осуда ҳаётимизга асло кўз тегмасин!

МЕНИНГ ЁШИМГА ЕТИНГ

116 ёшли Турғун момо Каримбоева, Гулистон шаҳри

Эллик нафардан ортиқ невара, чевара, эварали, саодатли аёлман. Беш нафар ўғил ва қизим атрофимда парвона. Умр бўйи ҳалол меҳнат қилиб нуридийдаларимни одамохун, меҳнатсевар, эл ишига камарбаста кишилар этиб тарбияладик. Уларнинг ҳар бири ўз хонадонларини, шаҳару қишлоқларини демакки, жондан азиз Ўзбекистонимизни севадилар, фахрланадилар.

Ташаббускорлик, янгиликка дадил қўл уриш биз учун одатга айланган. Чунончи, ўзим қалб амри билан Мирзачўлга келганман. Буни бизни етмиш йил мобайнида қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлғазиб келган шўро ҳукумати учун эмас, балки она заминга садоқат деб тушунинг. Йиллар мобайнида қаҳратон қиш, ёз жазирамаси, шамолу довулларга дош бериб қаҳроқ ерларга сув чиқардик, бепоён пахтазорлар барпо этдик. Таъкидлаш жоиз, ўша даврда биздан фақат пахта талаб қилишди. Заршуносга эътибор қоғозлардагина ўз ифодасини топди. Чўл палла-партишлик билан ўзлаштирилди. Маданий-маиший хизмат муассасалари деярли қурилмади. Шундай бўлса-да, халқимиз учун, фарзандларимиз учун садоқат кўрсатиб ишладик. Саъй-ҳаракат зое кетмади. Мирзачўл Мирзагулистонга айланди.

Ёшим 116 да. Ўлмай мустақиллик кунларига етиб келганимдан бошим осмонда. Ҳар куни эшигимдан одам аримайди. Мени каттаю-кичик табаррук онахон, дея эъзозлайди. Ҳокимлар, хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам ёрдамга тайёр. Кўпни кўрган муштипар аёл сифатида ҳурматли Президентимиз Исломжон Каримовнинг фахрийларга кўрсатаётган кўпдан кўп яхшиликларини қалбдан ҳис қиляпман. Ойнаи жаҳон орқали берилаётган юракларни ром этувчи ҳар бир нутқини берилиб тинглайман, оила аъзоларим билан тўғри хулосалар чиқараман.

Президентимиз билан фахрланамиз. Ул зот салтанат тепасига келган кундан бошлабоқ етимесирларнинг бошини силади, муҳтожларга мададкор бўлди. Юртбошимизнинг доно сиёсати туфайли Ўзбекистонимиз жаҳонга машҳур бўлди.

Юрагимдаги гап: қариб қолганимга ўкиниб кўяман. Чунки, энди ҳақиқий яшайдиган замон келди. Гулистон шаҳримизга бир назар қилинг. Азим Тошкентдек чирой очиб, гуллаб яшнади. Бири-биридан гўзал савдо дўконлари, маиший хизмат уйлари, хиёбонларни кўриб кўзингиз қувнайди. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидандир. Қалбим эзгу ҳисларга тўлади. Барча нуронийлар қатори давлатимиз раҳбарига юрак сўзларимни йўллайман, менинг ёшимга етинг, муҳтарам Президент, дейман!

Пири-бадавлатларимиз - зангиоталик Карим Юсупов ва Мирафзал Шарипов боболар шукроналар айтиб яшамоқдалар.

ВАТАНДАН ТАШҚАРИДА ВАТАН ЙЎҚ

102 ёшли Норжон момо Ўрозалиева, Қорақалпоғистон Республикаси

Истиқлол туфайли қорақалпоқ халқим кўп қадриятларини қайта тиклади. Адолат, озодлик, эрк учун курашган Ерназар Олакўз, Оллаёр Дўстназаров каби халқ қаҳрамонларининг орзулари рўёбга чиқди. Қурилишларни айтмайсизми. Айтишларича, Марказий Осиёда ягона саналган Қўнғирот сода заводи ҳам бизда.

Воҳада ёз жазирама иссиқ, қиш совуқ келади. Деҳқончилик икки-уч баробар кўп меҳнат талаб қилади. Шу боис, миришкорларимиз меҳнати алоҳида тақдирланади. Ўз еримиз - гоҳ у чўлу биёбон бўлсин, гоҳ ғаллазор ёки пахтазор бўлсин, юрагимизга бирдек яқин, ардоқли.

Бухоронинг 2500 йиллик тўйини нишонлаётган кезларда мисрлик йирик олим Насрулло Мубашшир ал-Тарозий билан кўришиш насиб этди.

- Мен учун Каъба - Ўзбекистон, - дея тупроғимизни кўзига суртарди меҳмон. - Неча йиллардан буён ота-боболар юртини зиёрат қилиш катта орзуим эди. Фақат Мустақиллик туфайли муродим ҳосил бўлди. Бордикелди эркин йўлга қўйилди. Бу ерларнинг одамлари, мевалари, гўзал табиати топилмасдир. Тошкентнинг тариғини еган чумчуқ Маккатиллодан учиб келади, деб бекорга айтишмаган. Пойтахтингиз жаҳоннинг энг олди шаҳарларидан қолишмайди. Ўз Президентингиз билан ҳар қанча фахрлансангиз арзийди. Муҳтарам Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида нутқ сўзлаб, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш тўғрисидаги ташаббусини илгари сурган эди. У ҳаётда ўз инъикосини топмоқда. Бу ўта муҳим ташаббуснинг долзарб жиҳати шуки, ҳали сайёрамиздаги барча давлатлар ҳам ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномага қўшилган эмас.

Хорижлик ватандошимизнинг дил сўзларини, ҳис-ҳаяжонларини тинглар эканмиз, Ватанимиз қанчалик азизу мўътабар эканлигини юракдан туйдим. Ватандан ташқарида Ватан йўқ, деган гапнинг мағзини яна бир бор чақандек бўлдим.

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ

105 ёшли Бону момо Маҳмудова, Қарши шаҳри

Қариси бор уйнинг париси бор, деб бежиз айтишмайди. Аввало биз фарзандларимизга одамийликдан дарс берамиз. Муомала санъати, рўзғор тутиш, таом тайёрлаш, меҳмон кутиш сирларини қунт билан ўргатамиз. Бир болага етти қўшни ота-она деган гаплар ҳам бор. Чақар маҳалламиздаги ёшларнинг юриш-туриши, ўқиши, ота-онага муносабати масалаларини ўрганиб борамиз. Лозим бўлганида кимларгадир амалий ёрдам, мадад кўрсатамиз. Йўлдан адашганларни биргалашиб эсини киритамиз. Фахрийлар, фаоллар жонбозлиги туфайли қанчадан-қанча ёшлар ҳаётда ўз ўринларини, ўз бахтларини топишди.

Кўпинча узоқ умр кўриш сирларини сўрашади. Сабаби оддий: инсон ҳар нарсада меъёрни унутмаслиги керак. Ўзгалар бахти, муваффақиятидан қувона билиш катта бахт. Шунингдек, тер тўкиб меҳнат қилиш, ҳамиша эзгулик ҳақида ўйлаш, ёмондан ўзини четга олиш инсон умрини узайтиради.

Ҳаётда жуда кўп оғир дамларни бошдан кечирдик. Етишмовчилик, яқин кишилардан бевақт жудо бўлиш оғир савдо. Бироқ, инсон ҳар қандай шароитда ҳам ўзини қўлга ола билиши, соғлиғи ҳақида алоҳида қайғуриши лозим. Ота-онанинг бош вазифаси умр гули, ҳаёт меваси бўлмиш фарзандларни яхшилаб тарбиялашдир. Бунинг учун Президентимиз беқиёс даражада меҳрибонлик кўрсатиб келмоқдалар. Келажак авлод ҳар томонлама баркамол, ўқимишли, уддабурон, энг муҳими она Ватанга садоқатли инсонлар бўлиб етишиши учун маблағ ҳам, куч-қувват ҳам аялмаяпти. Ҳозирги ёшларимизга ҳар қанча ҳавас қилсак ярашади. Мана энг яқин кишиларим - дурадгор, фермер ҳамда шахсий корхона эгасининг фарзандлари чет элда таълим олишмоқда. Мутахассислар ўзбекистонлик йигит ва қизларнинг зеҳни, қобилияти ниҳоятда ўткирлигини эътироф этишмоқда. Ҳа, бизнинг ҳеч кимдан кам жойимиз йўқ. Худо хоҳласа ана шу илм чўққиларини қунт билан ўрганаётган фарзандларимиз мустақил Ўзбекистон довруғини оламга кенг ёядилар.

ОТАЛАР ДУОСИ ЭЛ МУДДАОСИ

Ўзбекистон — Президент ҳаққига!

Омин:

Юртимизга тинчлик, хотиржамлик, осойишталик, файзу барокотни барқарор қилсин, ёшларни, барча аҳли мўминни бахту саодатли айласин, уларни эзгу ниятларига етказсин, Мустақиллигимизга қувват бағишласин.

Яратганнинг ўзи бизга етказган, халқ бахтсаодати, миллат ва Мустақиллик равнақи, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш йўлида ўзини аямай келаётган Президентимиз Ислом Каримовнинг, раҳбарларимизнинг тани-жони соғ, умрлари узоқ, хотирлари жам бўлсин. Ўзбекистон бахтига, бола-чақалари бахтига чинордек умр кўрсинлар, ёмон кўздан асрасин. Ҳур Ўзбекистонимиз довруғи оламга янада кенг ёйилсин. Ҳаммамиз бирликда, аҳиллиқда ўзлигимизни намоён этиб, ота-боболаримизнинг руҳини шод айлайлик. Улуғ ва мўътабар ишда Оллойи таолонинг ўзи ҳамиша мададкор бўлғай.



Азиз Ватанимиз тупроғи ана шундай серҳосил, саҳоватли!

ЁМОН КЎЗДАН АСРАСИН

103 ёшли Хоназар бобо Эгамназаров, Бўстонлиқ тумани

Ҳа, бир асрдан ортиқ умр кўрдим. Аммо кўнглимдаги оппоқ орзуларга Мустақиллик йилларида эришдим. Эҳҳе, бу бош нималарни кўрмади. Адолатсизликлар, собиқ шўро давридаги устомонликлар роса эзди. Ота-оналаримиз тадбиркор, ўқимишли кишилар бўлишган. Боз устига ҳаётдан, яхшилардан кўп нарса ўргандим. Еш бўлсам-да, гузардан дўкон очиб олдим. Рўзғор учун зарур молларни бисёр қилиб ҳамқишлоқларимга катта наф келтирдим. Тез орада уйимизга барака кирди. Бироқ, хурсандчилик узоққа чўзилмади. Дўкон очганлигим учун «кулак» қилишди. Ўн йилга совуқ ўлкаларга бадарға қилиндим.

Эзилган, хўрланган кезларимда туғилиб ўсган қишлоғим, она Ватаним нақадар азизу мўътабар эканлигига қайта-қайта иймон келтирдим. Минг азобларни кўриб ниҳоят юртимга қайтдим. Ўша кезлар сохталик, шиорбозлик кучли эди. Энг ёмони ихтиёр қўлдан кетган. Ўз юртимизда ўзимиз эркин яшолмасдик. Алам қиладиган жойи яна шундаки, бир вақт келиб ўзбек деҳқони муттаҳамга чиқарилди. Гдлян, Иванов каби ярамаслар «пахта иши» ниқоби остида ҳаракат қилиб, кўнгилларига келган ишни қилдилар. Халқни, деҳқонни ҳимоя қиладиган мард топилмади, ўшанда. Салтанат тепасидагилар зўр бериб «Москва»нинг топшириғини аъло даражада бажариб, ўз садоқатларини намоён қилиш билан овора бўлдилар. Шу тариқа улар эл назаридан қолдилар.

Вақт ўтди, замон ўзгарди. Салтанат тепасига оқил, одил, жасур, халқ учун жонини ҳам аямайдиган инсон - Ислом Каримов келди. Юртбошимиз Фармони олий чиқариб пахта иши жабрдийдаларини ёруғликка олиб чиқди, тадбиркорликка кенг йўл очди. Ана энди том маънода мулк эгаси бўлдик. Қишлоғимиз фермерлари йил сайин мул-кўл ноз-неъмат етиштириб, истеъмол бозорини тўлдирмоқдалар. Қадрдонларим ҳозирги кунда шахсий дўкон, кичик корхона эгаларидир. Фермер, тадбиркор бойиса кўпга нафи тегади. Баҳоли қудрат хайрия тадбирларида иштирок этаяпмиз. Фарзандларимизга айтадиган гапим шу: гўзал Ўзбекистонимизнинг баҳоси йўқ. Суви зар, тупроғи олтин. Бахтимиз қадрига етайлик, бор имконимиз билан мустақиллигимизни мустаҳкамлайлик, Ватанни улуғлайлик!

ҲАҚИҚИЙ ТАРИХ ЮЗАГА ЧИҚАЯПТИ

101 ёшли Жўрақул ота Усмонов, Тойлоқ тумани

Ҳурлик йўқ жойда, хўрлик ҳукмрон. Эрк йўқ ерда тутқунлик зуғум қилади. Яхши эслайсиз, бу азиз Ватан, шу она замин нене нокаслар оёғи остида топталмади. Большавойлар замонида юртни асосан келгиндилар бошқарди. Ўшанда ичимиздан қиринди ўтиб яшадик. Бир асрдан ортиқ ҳаётим мобайнида қора кунларнинг кўпини кўрдим, аммо 1918 йил февраль алоҳида ёдда қолган. Кўқон мухторияти автономия талаб қилди. Ният амалга ошдиям. Аммо мухторият кўп яшамади: қирғин бошланиб кетди. Кўқоннинг ўзида ўн мингдан ортиқ умри азиз қириб ташлангани матбуотда ёзилди.

Минг афсуски, бизнинг тарихимиз оёғи осмондан қилиб ёзилган. Бўлмасам, ўн олти йил давом этган миллий озодлик ҳаракати «босмачилик ҳаракати» деб талқин қилинармиди...

Яна эсланг, қанча камситилганимизни: агар 50 кишилик мажлисда «оға»ларимиздан битта бўлса у рус тилида олиб борилган. Энг қизиғи бизнинг тарихимизни «бошқалар» ёзишган. Ўзлик, миллийлик, Мустақиллик ҳақида ёзганлар турли йўллар билан эзиб ташланган. Оқибат натижада, Жалолиддин Мангуберди каби халқимизнинг асл ўғлонларини танимай яшадик.

Боз устига, ўз ичимиздан чиққан қўрқоқлар иши қимматга тушди. Масалан, бир вақтдаги Ўзбекистон Комфирқаси Марказқўмининг биринчи котиби Р.Нишонов нуфузли йиғилишда «пахта иши» юзасидан республикада 24 минг киши устидан жиноий иш қўзғатилди, деб виқор билан гапирган. Сабаби, бундай кишиларимизда Ватанга, миллатга эътиқод, садоқатнинг ўзи бўлмаган.

Президентимизга минг бор раҳмат, Улар тарихимизни холис ўрганиш масаласини қатъий ўртага қўйдилар. Бу ўзининг мевасини бера бошлади.

Саҳифани уюштирувчилар: Фазилат Ҳожиқулова, Назира Турдиалиева, «Ишонч»нинг махсус мухбирлари.

TV

ДУШАНБА, 28

ЎзТВ-I
«Ўзбекистон» канали

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 28 сентябрь куни «Ўзбекистон» I телеканали кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.10 гача «Халқаро» 4 телеканали орқали намойиш этилади.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сергайрат кампир». Мультфильм.
18.20 «Олам ва одам».
18.40 «Дардингизни олай».
18.55 «Оҳанглар оғушида». Мусиқий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Халқаро симфоник мусиқа фестивали.
22.05 «Сиёсат оламида».
22.35 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 45-кўй.
23.15 «Таянч нуқтаси».
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Пахтакор».
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Жажжи давра», Мультфомоша).
18.40 «Оила йилига бағишланади. «Хонадон».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Ташрифлар ва таклифлар.
19.35, 20.25, 22.20 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал (Венесуэла).
20.30 «Жаҳон». Халқаро шарх,
20.50 «Буюк юрт фарзандиман».
21.05 «Куйла, ёшлигим».
21.15 «Текин томоша».
21.30 Араб эстрадаси.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.25 Синема. «Аляска» Саргузашт фильм.
23.55 Спорт қитъаси.
00.25 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.05 Болалар учун. «Эй ва унинг дўстлари хузурида».
18.30 «Санта— Барбара». Телесериал.
19.10 Телефакт.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 ТТВ — Мюзик.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Бумеранг».
22.10 «Куйла, ёшлигим».
22.35 «Янги иқтисод».
22.55 «Давр билан ҳамнафас».
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 Саргузашт фильмлар экрани.
00.55 Спорт-тайм.
01.25 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.40 «Таҳлилнома».

*

8.40 «Қалб наволари». Мусиқий дастур.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Касбиликлар». Премьера.
9.25 «Жаҳон спорти».
9.35 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Ўзбек киноси иҳодкорлари».
10.40 Қундузги сеанс. «Вена почта маркаси». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
12.35 «Беш бармоқ». Тележурнал.
13.00 — 14.00 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.

***

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 «Кўзмунчоқ».

*

Россия жамоат телевидениеси.
19.00 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

20.40 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.25 «Тушга ўхшаган севги». Алла Пугачёва.
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: «Кабарэ». Бадиий фильм (АҚШ).
00.30 «Кимга қанақа?».
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс: Дэвид Бредлининг «Аччиқ ҳақиқат» фильми (АҚШ).
02.35—02.40 Тунингиз осуда бўлсин!

30-КАНАЛ
Соат 15.00да қадар профилактика.

15.05, 18.00, 21.00, 01.15 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
15.30 «Олов гиддираги». Телесериал (Бразилия).
16.00 «Эсдалик учун дастхат». Мусиқий-дам олиш дастури.
16.30 «Севгим менинг, андухим менинг». Телесериал (Бразилия). якунловчи серия).
17.15 «Карапуз-ТВ».
17.30 «Шаддодлар ва ғўзаллар». Телесериал (АҚШ).
18.20 «Элен ва болалар». Ёшлар телесериали (Франция).
18.45 «Қора марварид». Телесериал (Аргентина).
19.30 «Оқ тўғи» клуби. Ҳажвий дастур.
20.00 «Тунги мультик».
20.25 «Клип-сюрприз».
20.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
21.30 «Юлдузлар чарақлаган душанба».
23.15 Телесериал.
24.00 «Бойўғлига навбат».
00.50 Тунги мусиқий канал.

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 — Янгиликлар.
8.15, 17.20 — «Жейн Эйр». Сериал. 6-серия.
8.55 «Мўъжизалар майдони».
9.55 «Сиҳат-саломатлик».
10.30, 18.30 — «Куйнин топинг».
11.15 «Биргалашиб» дастури.
12.00 Ака-ука Вайнерлар детективи. «Қора балиқ изи». 1-серия.
13.25 Футбол шарҳи.
14.20 «Оқ йўлбарс сирлари». 3-серия.
14.45 «Марафон-15».
15.05 «Юлдузли онлар».
15.40 «Синдбоднинг янги саргузаштлари». Сериал.
16.10 «...16 ёшга ва ундан катталар».
16.30 «Оламга саёҳат».
18.05 «Тиғиз пайт».
19.00 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Тоғлик». Саргузашт сериал.
21.55 «Кумушранг шар». Кўҳна рус Ниццаси. Кўрсатувни В. Вульф олиб боради.
22.40 «Кино чизиғи». Александр Демьяненко Александр Алов ва Владимир Наумовнинг «Осойишталик тиламиз» фильмида.

СЕШАНБА, 29

ЎзТВ-I
«Ўзбекистон» канали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Диярбаҳ тароналари.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Миниатюра ранг тасвири».
9.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 45-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Ов». Мультфильм.
10.25 Янги алифбони ўрганамиз.
10.55 «Оламга саёҳат».
11.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
12.05 Қундузги сеанс. «Қароқчи чоллар». Бадиий фильм.
13.35—14.00. «Қиёфа».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Фил полвон оғриб қолди». Мультфильм.
18.20 «Шоирлар — болаларга».
18.45 «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.05 «Қизилқум мўъжизалари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мулк шакли ўзгаргач».
20.05 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам концерти. «Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган).
22.30 «Акс садо».
23.00 Диққат, премьера: М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 46-кўй.
23.45 «Ахборот»
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Эркатой», Мультфомоша).
18.40 «Ватан манзаралари.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Қолиқ ҳақида сабоқлар.
19.35, 20.25, 22.20 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Ёшлик формуласи».
20.45 «Болливудга нигоҳ».
21.05 «Марду майдон».
21.30 Форс-мажор.
21.40 15 дақиқа спорт ҳақида.
21.55 «Шарқ эстрадаси».
22.15 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 Синема. «Бестселлер». Детектив.
00.10 Спорт қитъаси.
00.40 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.05 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 Мусиқий йўлка.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Буни унутиб бўлмас...». Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган мусиқий кўрсатув.
22.20 Кино, кино, кино.
24.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
00.05 «Хобби хол».
00.25 «Суҳбатдош».
00.45 «Молт ва фил». Мультсериал.
01.10 Оҳанглар ва эълонлар.
01.25 Тунги сеанс.
03.05 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00

*

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 «Менинг кўчам».

*

Россия жамоат телевидениеси
19.00 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

20.40 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.25 «Бугун оламда...».
21.30 «Касбга назар».
21.45 «ТВ-4» да немис тўлқини».
22.00 «Вести».
22.35 Кинематограф. Акира Курасаванинг «Саркарданинг сояси» фильми (Япония).
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс. «Қонли ой тамғаси». Детектив фильм. Бош ролларда: Гарри Дениэлс, Чак Жафри (АҚШ).
02.45 — 02.50 Тунингиз осуда бўлсин!

30-КАНАЛ

8.05, 13.50, 18.00, 21.00, 01.15 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
8.30 «Табассум-ла ярим соат».
9.00 «Кинононушта».
10.20, 17.15 — «Карапуз-ТВ».
10.30 «Тропик ҳазирама». Телесериал (АҚШ).
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Ҳаёт чизиғи». Телесериал (Бразилия).
14.10 Қундузги киносеанс.
15.30 «Олов гиддираги». Телесериал.
16.00 «Ижод гулшани». Адабий-маърифий дастур.
16.30 «Нано». Телесериал.
17.30 «Шаддодлар ва ғўзаллар». Телесериал.
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.45 «Қора марварид». Телесериал.
19.30 «Альфред Хичкок таништиради». Детектив сериал (АҚШ).
20.00 «Тунги мультик».
20.25 «Клип-сюрприз».
20.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
21.30 «Қўнғироқ қила туриб, томоша қил».
23.15 Телесериал.
24.00 «Бойўғлига навбат».
00.50 Тунги мусиқий канал.

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.45 — Янгиликлар.
8.15, 17.20 — «Жейн Эйр». Сериал. 9—10-серия (якунловчи).
9.00 «Инсон ва қонун».
9.45 «Ҳамма ийдалигида».
10.20 «Хонаки кутубхона».
10.30, 19.15 — «Бу эрмак жониворлар». Телеўйин.
11.15 «Биргалашиб» дастури.
12.00 Ака-ука Вайнерлар детективлари. «Қора балиқ изи». 4-серия.
13.15 «Ўтганларни қўмсаб». Борис Бабочкин. Кўрсатувни Г. Скороходов олиб боради.
14.20 Мультсериал.
14.45 «Қойилмақом давра».
15.10 Болалар учун латифалар.
15.40 «Синдбоднинг янги саргузаштлари». Сериал.
16.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
16.30 «Оламга саёҳат».
18.45 «Тиғиз пайт».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 Владимир Меньшов ва Александр Розенбаум «Омон қолиш учун» ҳангари фильмида.
22.50 Жаҳоннинг машҳур шахматчилари Фишер, Карпов, Каспаров «Ўн уч чемпион» сериалида (якунловчи серия).

ЖУМА, 2

БУГУН — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ЎзТВ-I
«Ўзбекистон» канали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам концерти. «Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади. (Ёзиб олинган).
10.00 «Таъзим».
10.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Баховуддин Нақшбанд», «Хўжа Ахрор Вали».
10.40 «Ўзбек зиёлиси».
10.55 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
11.40 «Юрак садолари». Адабий кўрсатув.
12.00 Янгиликлар.
12.10 «Қўшиғимиз сизга армуғон». Мусиқий дастур.
12.40 «Мураббий». Спорт дастури.
12.55 «Бахром ва Дилором». Мультфильм.
«Умид» намойиш этади:
13.05 «Янги авлод».
«Қувноқлар ва зуҳколар».
«Ғазалхон ёшлигим».
«Ўзбекистон аскарлари».
15.05 «Маржон». Телеклуб.
15.50 Қундузги сеанс. «Душанбагача бир гап бўлар». Бадиий фильм.
17.25 «Ватандан яхши ёр ўлмас».
17.45 Болалар учун. «Аралаш».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Устоз ва мураббий».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Диёр». Тележурнал.
21.40 «Оталар чойхо-наси». Мусиқий дам олиш дастури.
22.30 «Сомон йўли».
23.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Муаллим». Видеофильм.
00.05 «Сизга таъзим». Мусиқий дастур.
00.45 Бадиий фильм.
02.20—02.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, «Бўш ўтирма», Мультфомоша).
18.40 «Кутубхона».
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Диляновз садолар.
19.35, 20.25, 22.50 Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Шарқ эстрадаси.
20.50 «Мезон».
21.10 «Мутойиба».
21.30 Юлдуз Усмонова — мехмонимиз.
22.10 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Доиче Велле» тақдим этади...
22.55 Синема. «Ғиев и ярость». Триллер.
00.20 Спорт қитъаси.
00.50 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Дарақчи».
18.05 «Бриятош». Мультўплам.
18.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 Мусиқий дақиқалар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бияб қўйган яхши».
20.10 Мусиқий дақиқалар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ханда дўкони».
21.20 «Дилором наволар».
21.45 «Довюраклар». Телесериал.
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 Кинонигох.
00.10 «Дарақчи».
00.15 «Истиқлол илҳомлари».
00.35 Тунги тароналар.
00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00

*

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.15 «Бу эрмак жониворлар». Телеўйин.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

*

20.40 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.

*

21.25 «Бугун оламда...»
21.30 «Глинка, 44».
21.40 «Монитор — Осиё».
22.00 «Вести».
22.30 «Кино сайёраси». Франсуа Трюффо.
22.50 Франсуа Трюффонинг «Америка туни» фильми (Франция).
00.20 «Бугун оламда...»
00.25 «Таъзим».
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс. «Жазо босқичи». Бадиий фильм. Бош ролларда: Питер Страусс, Мелисса Жилберт (АҚШ).
02.35—02.40 Тунингиз осуда бўлсин!

30-КАНАЛ

8.05, 13.50, 18.00, 21.00, 01.40 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
8.30 «Табассум-ла ярим соат».
9.00 «Кинононушта».
10.30 «Тропик ҳазирама». Саргузашт телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Ҳаёт чизиғи». Телесериал.
14.10 Қундузги киносеанс.
15.30 «Олов гиддираги». Телесериал.
16.00 «Висол». Мусиқий дастур.
16.30 «Нано». Телесериал.
17.15 «Карапуз-ТВ».
17.30 «Шаддодлар ва ғўзаллар». Телесериал.
18.20 «Пляж». Саргузашт сериал (АҚШ).
19.10 «Майк Хаммер — хусусий детектив». Сериал (АҚШ).
20.00 «Тунги мультик».
20.25 «Клип-сюрприз».
20.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
21.30 «Хафта фильми».
23.15 Телесериал.
24.00 «Бойўғлига навбат».

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 23.45 — Янгиликлар.
8.15 «Жейн Эйр». Сериал. 10-серия (якунловчи).
9.05 «Саёҳатчилар клуби».
10.00 «Смак».
10.15 «Хонаки кутубхона».
10.25 «Янгра, гармонь!».
11.15 «Биргалашиб» дастури.
12.00 Ака-ука Вайнерлар детективлари. «Қора балиқ изи», 5-серия (якунловчи).
13.25 Алла Пугачёва ва Кристина Орбакайте «Хотинқизлар билан содир бўлган воқеалар» дастурида.
14.15 «Чол ибн Ҳаттоб». Фильм-эртак.
15.40 «Сезам кўчаси».
16.10 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. 1/16 финал. «Локомотив» (Москва) — «МАСК» (Киев). Танаффус пайтида (17.00) — Янгиликлар.
18.15 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 Буюк ижқувчилар: Мисс Марпл Агата Кристининг «Кўзгу дарз кетди» детективида.
23.00 «Нигох».

ШАНБА, 3

ЎзТВ-I
«Ўзбекистон» канали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Зиёрат».
9.10 «Экран зийнати ва муаммолар».
9.40 «Мезон».
10.00 «Шохрух клуби».
10.20 «Сурат ва сийрат». Адабий кўрсатув.
«Умид» намойиш этади:
10.40 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
«Соғлом авлод учун».
«Қўшиғим жон қўшиғим».

*

12.00 Қундузги сеанс. «Кин дза-дза».Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
14.20—14.50 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эрталари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
22.05 «Янги тарих». 80-йиллар.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
22.25 «Куй ва тасвир».
22.45 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Дўсту-душман». Бадиий фильм 1-серия.
00.05 «Ахборот».
00.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Металлург» 2-тайм.
01.15—01.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» намойиш этади («Бўш ўтирма», Эртаклар оламі).
9.35 Ёшлик формуласи.
9.50 «Куйла, ёшлигим».
10.00 Буюк ипак йўлларида.
10.20 Рақслар қанотида.
10.40 Бизнес-доктор.
11.10 Ринг.
11.30 Диляновз садолар.
11.40 «Марду майдон».
12.05 «Сир».
12.22 Ёшлар ва спорт.
12.40 Форс мажор.
12.50 Араб эстрадаси.
13.10 «Текин томоша».
13.25 Жаҳон жўғрофияси.
14.15 Хит-ҳоллекция.
14.35 «Синдбод». Телесериал.
15.20 «Параллеллар».
15.40 «Коктейль плюс».
16.00 Синема.
17.30 Спорт қитъаси.

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Боланинг тили», Мультфомоша).
18.40 «Хуш келибсиз!»
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Бизнес академия.
19.35, 20.25, 22.25— Эълонлар.
19.40 «Ўзбектелефильм» премьераси. «Илон». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
20.15 «Тўйғу».
20.35 «Тақдим».
20.55 «Бегойим».
21.15 «Мусиқа теграсида».
21.55 Ёшлик наволари.
22.05 «Давр». Ахборот дастури.
22.25 «Твоё время».
22.45 Синема. «Невеста в кредит». Комедия.
00.15 Мусиқали Олимп.
00.35 Хайрли тун!

ЎзТВ-III

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Сехрли қутича». Болалар учун мультфильмлар тўпламі.
8.20 Жозиба.
8.40 «Бияб қўйган яхши».
8.55 «Тошкент ва тошкентликлар».
9.10 «Лавжой». Телесериал.
9.55 «Ханда дўкони».
10.15 «Куйла, ёшлигим».
10.40 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
11.25 «Муалляф».
11.55 Спорт оламида.
12.25 Болалар экрани.
13.55 «Еввойи табиат».
14.45 «Умр дафтари».
15.05 «Онагинам».
15.25 «Бева Бланка». Телесериал.
16.55 «Истиқлол илҳомлари».
17.15 «Ёшлар ҳудуди».
17.40 «Нурли маёк».

***

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Дарақчи».
18.05 Мультконцерт.
18.35 «Қонун ҳимоясида».
18.45 «Биринчи бўса». Қисқа метражли бадиий фильм.
19.15 Мусиқали танаффус.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.

***

19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Янги ой чиққан кеча».
20.15 «Дилором наволар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.50 «Ҳамшаҳарлар».
22.20 «Дарақчи».
22.25 «Ўтган ҳам одам». Бадиий фильм.
23.30 «Умрбоқий меросс».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
24.00 Видео — «О».
01.40 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 2х2=4.
9.45 «Кино сайёраси». Франсуа Трюффо.
10.05 Франсуа Трюффонинг «Америка туни». фильми.
11.35—12.00 «Кросс-Роуд» кафесига хуш келибсиз!

***

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Бугун оламда...»
19.00 «Минг бир кеча».
19.35 «Ассалом, Франция»!.

*

Россия жамоат телевидениеси
20.00 «Время».
20.40 Мавсум премьераси: «Махфий хужжатлар».
22.35 Каррерас, Доминго, Паваротти. Учновлон Парижда.

*

00.05 «Спорт клуб».
00.25 «Сиз уларни танийсиз».
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Мусиқий Олимп.
01.35 «Бугун оламда...»
01.45 Тунги сеанс. Роберт Либерманнинг «Титаник» фильми. (АҚШ). 1-серия.
03.15—03.20 Тунингиз осуда бўлсин!

30-КАНАЛ

8.05 Хужжатли кино.
9.00, 13.50, 18.00, 21.00, 01.50 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
9.25 «Болалар канали».
10.00 «Кинозртаклар».
11.20 «Лэсси». Болалар учун сериал.
12.00 «Тушки кино».
14.10 Дам олиш кунлари детективи: «Экстрадиция». Телесериал (Польша).
15.00 «Кинд киноси».
17.15 «Шоу соати».
18.20 «Пляж». Саргузашт сериал.
19.10 «Майк Хаммер — хусусий детектив». Сериал.
20.00 «Жаҳон ринги юлдузлари 30-да». Спорт дастури.
20.25 «Клип-сюрприз».
20.45 «Висол». Мусиқий дастур.
21.25 «Мунажжимлар башорати».
21.30, 23.15 — «30-канал»да шанба киноокшоми».
01.00 «М. Э. Ш. госпиталидаги бошоғриқ хизмат». Ҳажвий сериал (АҚШ).

РЖТ

7.00 «Жиноят қидирув бўлимининг ахборoти». Саргузашт фильм.
8.15 Мультфильм.
8.45 «Руҳоний сўзи». Митрополит Кирилл.
9.00, 14.00, 16.50 — Янгиликлар.
9.10 «Хонаки кутубхона».
9.30 «Тонгги почта» Юрий Николаев билан.
10.05 «Каламбур». Ҳажвий журнал.
10.40 «Смак».
11.00 Мавсум премьераси. Никита Михалков. «Рус живописи оҳанглари».
11.30 Раймонд Паулс қўшиқлари.
12.15 Евгений Матвеев ва Михаил Ульянов «Мен яшайдиган уй» фильмида.
14.20 Лев Николаев «Цивилизация» дастурида.
14.50 «Ҳайвонот оламида».
15.30 Мультфильм.
16.05 «Бу қандай содир бўлган эди?». Василий Сталин ҳаёти ва ўлими.
17.10 «Жентльмен-шоу».
17.50 «Кумушранг шар». Жан Маре ва Луи де Фюнес «Фантомас» фильмида.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 Мавсум премьераси. «Махфий хужжатлар».
22.35 Каррерас, Доминго, Паваротти. Уч тенор Парижда. Янги талқин.

ЯКШАНБА, 4

ЎзТВ-I
«Ўзбекистон» канали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
«Умид» намойиш этади:
9.40 «Талабалик йилларим».
«Ватанимга хизмат қиламан».
«Нурли келажак».
«Куйла, изла, топ».

*

12.15 «Ҳамроз».
12.30 «Телевидение ва томошабин».
12.55 «Ариз гулшани».
13.05 Қундузги сеанс. «Жазда фақат қизлар». Бадиий фильм.
14.45—15.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» — «Темирйўлчи».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.25 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.45 «Спорт, спорт, спорт».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 — Эълонлар
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Санъат олами».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Бархаёт сиймолар». Отажон Худойшукуров.
21.50 Телевизион миниатюралар театри.
22.25 ТВ—1 намойиш этади: Телеанонс.
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
22.40 Кино янгиликлари.
22.55 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.00 «Дўсту душман». Бадиий фильм. 2-серия.
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Олтин калит», «Катта танаффус»).
9.45 Ёшлар куйлайди.
10.00 «Бизнес-академия».
10.20 «Лаззат».
10.35 «Мезон».
10.55 «Мутойиба».
11.15 «Дойче Велле тақдим этади...
11.35 «Мерос». Бадиий фильм. 3-серия.
12.00 «Дунё ҳафта ичида».
12.45 «Ўзбектелефильм» премьераси. «Илон». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.20 Юлдуз Усмонова — мехмонимиз.
14.00 Интер футбол.
14.45 Шарқ эстрадаси.
15.05 Жаҳон жўғрофияси.
16.00 «Синдбад». Телесериал.
16.45 Буржлар башорати.
17.45 «Шабнам».

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Бугуннинг боласи», Мультфомоша).
18.40 Келгуси ҳафтада».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 «Остонадаги орзулар».
19.35, 20.25, 22.35 — Эълонлар.
19.40 «Ўзбектелефильм» премьераси. «Илон». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
20.15 «Дастхат».
20.35 «Юлдузлар тахти».
21.15 «Бари ҳазил».
21.30 Миллионлар ўйини.
21.50 «Изҳор».
22.10 «Давр». Ахборот дастури.
22.20 Кинопрофи.
22.40 Синема. «Счастливый конец». Мелодрама (Франция).
00.20 «Хайрли тун!»

ЎзТВ—III

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Мультфильм.
8.25 «Дилором наволар».
8.35 «Лавжой». Телесериал.
9.20 «Умрбоқий меросс».
9.35 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.20 «Қонун ҳимоясида».
10.35 Болахонлар экрани.
12.00 М. Шайхзода. «Мирзо Улуғбек». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.05 «Спорт оламида».
14.30 «Кўзгу».
14.50 «Бева Бланка». Телесериал.
16.20 «Мусиқий мехмонхона».
16.40 «Ҳамшаҳарлар».
17.10 «Хобби-холл».
17.30 «Суҳбатдош». Публицистик кўрсатув.

***

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Дарақчи».
18.10 «Мультжумбоқ».
18.35 Мухлис ТВ.
18.55 «Мусиқий майдонча». Ёшлар дам олиш дастури.
19.20 Миғ бир ҳикмат.
19.25, 20.00, 20.25 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 Мулоҳаза учун мавзу.
20.30 «Таҳлилнома».
21.10 «Даллас». Телесериал.
21.55 Дилором наволар.
22.00 «Дарақчи».
22.10 «Етти иқлим оҳанглари».
22.30 Латифалар.
22.40 Мухлис ТВ.
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 «Кинонигох».
00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали

10.00 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.40 «Парле ву франсэ?».
12.10 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
12.20 «Жонли сайёра».
12.40 «Оскар» мукофоти анталогияси.
12.55—14.55 «Оскар» совриндорлари: «Бунинг бари Ева ҳақида». (1949 йил). Бадиий фильм.

***

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Табиат билан танишув».
19.10 «Мюзик хол».
19.45 «Бу ажиб дунё».

*

Россия жамоат телевидениеси
20.00 «Вақт ва биз».
21.00 Мавсум премьераси: «Синган чироқлар кўчаси». Сериал. (1998 йил).
22.15 «Футбол шарҳи».
22.50 «Багз-3». Фантастик-детектив фильм премьераси. «Шухратнинг бошланиши».

*

23.45 «Таҳлилнома» (рус тилида).
00.15 Якшанба кинозали: Роберт Либерманнинг «Титаник» фильми. 2-серия.
01.45—01.50 Тунингиз осуда бўлсин!

30-КАНАЛ

8.05 Хужжатли кино.
9.00, 13.50, 18.00, 21.00, 01.55 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
9.25 «Болалар канали».
10.00 «Кинозртаклар».
11.20 «Лэсси». Болалар учун сериал.
11.45 «Уйинчоқлар уйи». Компьютер ўйинлари ҳавасқорлари учун дастур.
12.00 «Ярим кунги кино».
14.10 Дам олиш кунлари детективи: «Экстрадиция». Телесериал.
15.00 «Ҳали намойиш этилмаган премьера».
16.45 «Мусқаймоқ». Мусиқий-дам олиш дастури.
17.15 «Шоу соати».
17.40 Мусиқий дастур.
18.20 «Пляж». Саргузашт сериал.
19.10 «Махфий хужжатлар». Сериал.
20.00 «Юлдузлар ёнилганда». Мусиқий дастур.
20.25 «Клип-сюрприз».
20.45 «Висол». М

Имом ал-Бухорий дурдоналари

ИЛМ ЙЎЛИ – ЖАННАТ ЙЎЛИ

Илм-ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинглар.

***

Хотинларнинг баракатлироғи уйланиш харажатлари енгилидир.

***

Хотин кишига энг ҳаққи кўп киши эридир, эркак кишига энг ҳаққи кўп киши онасидир.

***

Олим бўл (илм берувчи бўл) ёки илм ўрганувчи бўл, ёки тингловчи бўл, ёки илмга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан.

***

Рост гапиринглар, агарчи, ростликда ҳалокат бор деб билсаларингиз ҳам, чунки аслида нажот ростликдадир. Ёлғон гапирманглар, агарчи ёлғон гапда нажот бор деб билсаларинг ҳам, чунки аслида унда ҳалокат бордир.

***

Ҳар бир мўмин банда ўз биродарларининг кўзгусидир.

***

Илмга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл.

***

Кимки илм истаб қадам қўйса, Оллоҳ унга жаннат йўлини очгайдир.

***

Марҳаматлик бўлмаган кишига Оллоҳ ҳам марҳамат назари билан қарамайди.

***

Марҳаматли, меҳр-шафқатли бўлмаган кишига Оллоҳ ҳам марҳамат қилмайди.

***

Ким ота-онасини рози қилса Оллоҳ унинг умрини зиёда қилади.

***

Мусулмони комил бўлишингиз учун бир-бирларингизга муҳаббат қўймоғимиз шарт.

***

Инсонларга берилган фазилатларнинг энг яхшиси яхши аҳлоқдир.

***

Ҳаё ҳам иймон шохчаларидан биридир.

«Ал-жомиъ ас Саҳиҳ» китобидан

Қорақалпоғистоннинг Хўжайли шаҳрида «Намунали оила» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Еттита тумандан келган энг ибратли, намунали оилалар ичида Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган энергетик Жалгасбой Айтжонов оиласи ғолиб деб топилди. Жалгасбой аканинг умр йўлдоши, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Раяхон опа бутун умрини ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаган.

Суратларда: Жалгасбой Айтжонов ўғиллари Нурғози ва Омонбойлар билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Дўстлик тумани янгиликлари

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ—МАКТАБ БОШ ДИРЕКТОРИ

Тумандаги хўжаликларнинг раҳбарлари энди ўз хўжаликлари ҳудудларидаги мактабларнинг жамоатчилик асосида бош директорлари ҳам деб юритиладиган бўлди.

- Бу қарорни қабул қилишдан мақсад: соғлом авлодни камол топтириш, таълим-тарбия беришни янада яхшилаш, «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» талабларини бажариш бўйича зарур иқтисодий пойдеворни яратишдан иборатдир,-дейди туман ҳокими Ўринбой Қўлдошев.

- Эндиликда мактабларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишлари уларнинг бош директорлари бўлган хўжалик раҳбарларидан шахсан сўраб турилади.

Айни пайтда тумандаги барча умумтаълим мактабларининг янги ўқув йилига деярли тайёр қилиб қўйилганлиги ушбу қарорнинг ўз вақтида қабул қилинганлиги ҳамда унинг ижросини таъминлаш назорат остига олинганлигидан далолат бериб турибди.

САХОВАТПЕШАЛАР

Оила йилида туман ҳокимининг махсус қарори билан 24 нафар ота-онасиз қолган болалар тумандаги 24 та нуфузли корхона ва ташкилотлар раҳбарларига бириктириб қўйилди. Саховатпеша раҳбарлар ҳар ойда бир марта ва байрам кунлари оталиқларидаги кўнгли ўксик болалар ҳолидан хабардор бўлиб туришибди ҳамда уларга имкон даражасида моддий ва маънавий ёрдам беришмоқда.

ШАХМАТ СЕҲРИ

Ҳар бир яхши математик яхши шахматчи ва аксинча, ҳар бир шахматчи яхши математик бўлиши керак... Бу қоидадан истисно ҳоллар ҳам учраб туради, албатта...»

Шахмат билан математика ҳамиша бир-бирини тўлдириб боради, бири иккинчисини тақозо этади. Шахмат математиканинг ақлини пешлагани каби, математика ҳам шахматчини етуклик пиллапоясига кўтаради. Буюк шахматчилардан Андерли, Ласкер, Эйвелар-математика профессорлари, Ботвликник эса техника фанлари доктори эканлигини эслатиб ўтиш ўринли бўлса керак.

«Фил суриб, от ўйнатиб»

Шахмат ўйнаётган кишини олий кибернетика системаси билан таққосласа бўлади. Ўргатилаётган кибернетика системаси модель бўйича кўпгина вариантларни олдиндан машқ қилган тақдирдагина конкрет вазиятдаги энг қулай ҳодисалар келиб чиқиши мумкин. Бу эрмак эмас, балки ўргатилаётган кибернетика системалари тараққиёти учун заруратдир.

Фан ва техниканинг тобора мураккаблашиб бораётган масалаларини муваффақиятли ҳал қилишга ёрдам бера оладиган энг яхши фазилатларини ёш авлодда камол топтириш керак. Бу борада шахмат ўзига яраша рол ўйнайди. Мунтазам равишда шахмат ўйнайдиган болалар математика ва бошқа фанлардан анча юқори баҳо оладилар. Буни жумҳуриятимиз ёш шахматчилари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда жаҳон олимлари муҳим ҳаётий муаммоларни ҳал қилиб берадиган мукаммал математик алгоритмлар яратиш борасида ижодий изланишни давом эттираётган эканлар, қулай модель сифатида шахматдан унумли фойдаланаётганликларини мамнуният билан таъкидлаб ўтиш керак.

Пировардида яна бир қиёсий факт билан таништирамиз.

Математикларнинг ҳисобига қараганда, шахмат тахтасида қилинган дастлабки ўн юришдан кейин шунчалик кўп вариантлар бўлиши мумкинки, улардаги барча юришларни қилиб кўриш учун ер шаридаги одамлар 217 миллиард йил давомида доналарни у ёқдан бу ёққа суришлари мумкин.

Ёки машҳур кибернетик олим, академик В.Глушков таъкидлаганидек, 64 хонали шахмат тахтасида ҳаракатланувчи 32 донанинг имкони бўлган комбинацияларининг сони галактикамиз, яъни қуёш системасидаги сайёраларда мавжуд бўлган атом заррачаларидан ҳам зиёддир.

Бу секундига минг-минглаб операция бажарадиган ҳозирги замон электрон-ҳисоблаш машиналари учун ҳам бир неча йил давомида бажариладиган ишдир. Аммо инсон мияси, унинг ақл-заковати шахмат тахтасида юзага келувчи минг-минглаб имкониятлар орасидан кераклигини дарҳол ажратиб олиш ва ўшалар устида мулоҳаза юритиш хусусиятига эгадир.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

МАРОҚЛИ МАШҚЛАР

Барча тасвирларда ҳам оқлар бошлаб икки юришда мот қилади.









Ҳар тўғрида

ҚАСОС

Покистоннинг Кхайпур шаҳридаги полиция ходими Фаиз Маридан душманлари боплаб қасдларини олдилар... У ўзига келиб афт-ангорини кўзгуда кўриб ҳангманг бўлиб қолди. «Бундан кўра ўлган афзал» дея мингирлади бот-бот. Уни алам билан бундай дейишга сабаб бор эдида! Қасоскорлар полициячини бир томондаги мўйлабини кесиб кетгандилар. Бу ишни амалга оширган покистонликлар, айниқса полициячи учун мўйлаб қандай аҳамиятга эга эканлигини яхши билардилар.

Фаиз шу алфозда район полицияси жойлашган бинога кириб келганида ҳамкасблари ўзларини кулгудан тўхтата олмадилар. Аммо унинг қўлидаги мактуб мазмуни билан танишиб чиқишгач, эҳтиросларини пасайди. Мактубда мафия хўжайинлик қилаётган ушбу туманда осойишталик қўриқчилари тартиб ўрнатаман деб овора бўлмасликлари лозимлиги айтилган эди. «Акс ҳолда ҳамма полиция ходимлари мўйлабсиз қоладилар, бу ҳам натижа бермаса қуроллар ишга тушади»,-дейилган эди мактубнинг давомида.

МАЛЛАСОЧЛАР КАМАЙМОҚДА

Кўзга кўринган немис олимлари ҒФРда табиатан малларанг сочли аёллар сони сезиларли равишда камайиб кетмоқда, деб бонг ура бошладилар. Кёльнлик профессор Шойху бу воқеага илмий тушинтириш бериб оқ танлиларнинг қони бошқаларникига қўшилганда ҳеч вақт устун кела олмаслигини таъкидлайди. Яъни отанинг сочи қора, онаники эса оч рангли бўлиб, бола малла сочли бўлиб туғилса ҳам балоғатга етгач унинг сочлари қорая бошлар экан. Профессордаги маълумотларга кўра ҳозир ҳар ўнта малла сочли аёлдан иккитасиники табиий бўлиб, қолган саккизтасиники бўялган.

Шу боисдан ҳам Германиядаги сартарошларнинг қўли-қўлига тегмайди. Сочларини бўёвчиларнинг сони кундан кунга ортмоқда.

ФИДОКОР ФИЛЛАР

Ҳиндистоннинг филлар яшайдиган ҳудудига яқин ер Дехродуш шаҳрида бўлиб ўтган воқеа нафақат сайёҳларни, балки ҳиндларнинг ўзини ҳам ҳайратга солди.

Тезюрар поезд қатнайдиган магистралдан кесиб ўтаётганда фил боласининг оёғи темирйўл изининг орасида қисилиб қолди. Шу вақтда соатига 100 км тезликда поезд келаётган эди. Унинг оёғини ҳар қанча уринишса ҳам чиқара олишмагач, филчани ҳимоя қилиш мақсадида тўртта катта фил поезд йўлини тўсиб турди. Машинист составни тўхтатиш учун тормоз берди, бироқ орадаги масофа қисқа бўлганлиги сабабли буни иложи бўлмади. Тўрттала фил ҳам ҳалок бўлди. Фил боласи эса омон қолди. Ҳозир уни Чилла қўриқхонасида даволашмоқда.

Лазиза ИСМОИЛОВА тайёрлади.

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ •

«ОЛТИН БОШОҚ» СОВРИНИ

Бу йил Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий Кенгаши, Республика ёшларнинг «Қамолот» жамғармаси, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Ўздонмаҳсулот» Давлат ҳиссадорлик жамияти ва қатор ташкилотлар ҳомийлигида илк бора «Ўздонмаҳсулот» ишчи ходимлари ўртасида Республикамиз мустақиллигининг 7 йиллигига бағишланган «Олтин бошоқ» турнири ўтказилмоқда. Шу кунларда вилоятлар ғолиблари икки гуруҳга бўлинган ҳолда республика якуний мусобақаларида иштирок этишмоқда.

«Тошкент» гуруҳида Самарқанд, Навоий, Фарғона ҳамда Сурхондарё вилояти, «Хоразм» гуруҳида эса Андижон, Бухоро, Наманган вилояти футбол жамоалари ўзаро баҳс юритишади. Ушбу турнирнинг ғолиби ва совриндорлари 28 сентябрда маълум бўлади.

ШЕРЗОД АРГЕНТИНАГА БОРАДИ

Самарқандда бокс бўйича соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнир ниҳоясига етди. Унда Россия, Ҳиндистон, Қирғизистон ва Республикамизнинг барча вилоятларидан юзга яқин чарм қўлқоп усталари иштирок этишди. Қизғин ўтган ринг жангларида энг кичик вазнда қорақалпоғистонлик Тўланбой Динийёров, барча рақибларини мағлуб этиб, халқаро турнир ғолиби бўлди. Энг оғир вазнда эса россиялик Александр Камакин ғолиблик шоҳсупасининг юқори поғонасидан жой олди. Қолган вазнларда эса Республикамиз вилоятларидан келган боксчилар ғолиб бўлишди. Улар тошкентлик Беҳзод Хидиров, Қаҳрамон Ҳасанов, Музаффар Соипов, Андижон бокс мактаби тарбияланувчилари Нозимжон Азимов, Абдуҳамид Жалолов, Александр Хидяев, самарқандлик Акмал Мустафоев, Александр Анфимов, бухоролик Акмал Аслонов ва фарғоналик Шерзод Хусановлардир. Мутахассислар соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишлаб ўтказилган ушбу халқаро турнирнинг энг моҳир, энг эпчил чарм қўлқоп устаси учун ажратилган махсус совринни фарғоналик Шерзод Ҳусановга топширишди. Маълумки, Шерзод шу йил ўтказилган барча турнирларда ғалаба қозониб келмоқда. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мураббийси Ҳасан Муҳамедов Шерзодга катта умид боғлаган. Унинг айтишича, 6-17 ноябрь кунлари Аргентинада ёшлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон биринчилигида Шерзод Хусановнинг иштирок этиши кутилмоқда. Шунингдек, ушбу нуфузли мусобақада маҳоратли чарм қўлқоп усталаридан Қаҳрамон Ҳасанов, Акмал Аслонов, Музаффар Соипов ва Александр Анфимовлар ҳам мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Донийёр ЮСУПОВ.

Жиноятга жазо муқаррар

ҚОРА ОҒУ ҚИЛМИШИ

Қора оғу ҳисобланган гиёҳванд моддалар тотув оиланинг ошига заҳар солади. Жамиятнинг кичик бир таянчи ҳисобланган оила пойдеворига қаттиқ дарз етказади. Айни пайтда жамиятимизда ана шундай оғулар туфайли бузилиб кетиб, фарзандлари аросатда қолаётган, қолаверса, жамиятимиз тараққиётига ана шу оғу туфайли раҳна солаётган оилалар учраб турибди.

Ашурмамат Ҳақбердиев ва Шарофат Ҳақбердиевалар Самарқанд шаҳар Уста Қули кўчасидаги 59 - уйда истиқомат қиладилар. Беш нафар фарзандлари бор.

Ашурмаматнинг ёши 39 да. Унинг турмуш ўртоғи Шарофат эса 35 ёшга қадам қўйди. Улар ҳам дастлаб кўпчилик сингари ибрат бўлгули оила эди. Бироқ, иродасизлик туфайли Ашурмамат жиноятга қўл урди. Ўғирлик қилиб, суднинг қора курсисига ўтирди. Дастлаб маҳалла-куйнинг аралашуви, купчиликнинг талаби билан шартли равишда озодликдан маҳрум этилди. Кейинчалик у бу «қилиғи»ни яна бошлади. Бу сафар унинг жинояти кечирилмади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 125-моддаси 2-қисм билан айбланиб, беш йил озодликдан маҳрум этилди. Кўпчилик Ашурмаматнинг энди кўзи очилган бўлса керак, қолаверса беш фарзанднинг ҳаққи-ҳурмати иродасини қўлга олиб оиласини ҳалол меҳнат билан боқишга ҳаракат қилса ажаб эмас, дейишганди. Йўқ, аксинча бўлди. У «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», деганларидек бу сафар юқорида айтиб ўтганимиздек, қабих ва жирканч ишга қўл урди. Қолаверса, турмуш ўртоғи Шарофатни ҳам ўзи танлаган жирканч йўлга бошлади.

Маълум бўлишича Ашурмамат Ҳақбердиев Самарқанд шаҳридаги 1-касалхонада даволана туриб, хотини Шарофатга уйига яшириб қўйган 20,5 грамм кўкнор ширасини олиб келишни буюради. Ким билади, балки ўша шифохонада кимдир кўкнори ширасидан «шифо» топмоқчи бўлгандир». Бизга бу ёғи қоронғу. Нима бўлганда ҳам унинг мақсади оғуни пуллаш бўлади, албатта.

«Кўза кунда эмас, кунида синади» деганларидек кўзи атрофга олазарак боқаётган аёлдан милиция ходимлари шубҳаланадилар. Уни ички ишлар бўлимига олиб келишиб тинтув қилмоқчи бўлдилар. Аммо Шарофат Ҳақбердиева устамонлик қилмоқчи бўлиб, бўлимга машинада кета туриб, сийнабандига яширилган учта селлофан халтачага солиғлик оғуни машина ичига отиб юборади. Унинг бу «қилиғи» милиция ходимлари эътиборидан четда қолмайди...

Эр-хотин оғуфурушлар тергов жараёнида ва суд давомида ўзларини оқламоқчи бўлиб кўп ўриндилар. Ҳатто Шарофат эрига олиб бораётган нарсани кўкнор ширасси эмас, балки мўмиё деб ўйлаганини айтди. Ҳайрон бўласан киши. Шарофат ўша нарсани мўмиёлигига ишонч ҳосил қилганида уни шунчалик яширмасди. Қолаверса, машина ичига отиб юбормасди ҳам.

Ашурмамат эса суд жараёнида кўкнор ширасини «ўзим истеъмол қилиш учун сотиб олганман» деб кўрсатма беради. Бу ҳақиқатга умуман тўғри келмайди. Айбини енгиллатишга уринишдан бошқа нарса эмас. Агар у ўша оғуни истеъмол қилмоқчи бўлганида бўлакларга бўлиб, махсус халтачаларга жойламасди, албатта. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1995 йил 27 октябридаги «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 21-сонли қарорида «Наркотик ёки психотроп моддаларни маълум ўлчамда қадоқланганлиги, ташиш ёки жўнатишда уларни махсус махфий жойга яширилганлигининг ўзи ўтказиш мақсади борлиги деб баҳоланмоғи ва жиноят кодексининг 25-моддаси ва 272-моддасининг 2-қисми билан квалификация қилинишлиги кўрсатилган.

Суд ҳайъати юқорида кўрсатилганларга амал қилган ҳолда эр-хотин оғуфурушлар Ашурмамат Ҳақбердиев ва Шарофат Ҳақбердиеваларнинг юқорида содир этилган жиноий ҳаракатлари Жиноят Кодексининг юқорида кўрсатиб ўтилган моддаларига тўғри келишини таъкидлади. Ана шунга кўра Ашурмамат Ҳақбердиев ўн йил озодликдан маҳрум этилди.

Суд ҳайъати эр-хотин оғуфурушларга жазо тайинлашда адолат юзасидан ёндошган ҳолда оилани сақлаб қолишни ўйлаб, уларнинг беш нафар вояга етмаган фарзандлари тўғрисида жиддий қайғуриб, Шарофат Ҳақбердиева тақдирига оқулона ёндошди.

Асатилла ИСКАНДАРОВ, Нарпай туман суди судьяси.

Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча фуқаролар

ДИҚҚАТИГА!

Маблағингизнинг кўпайишини, ишончли ва бут сақланишини хоҳлайсизми?

Марҳамат!

«САВДОГАРБАНК» СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА!

Сиз ўз маблағингизни «талаб қилиб олгунча», «муддатли» ва «Кафолатли даромад» каби омонат турларига қўйишингиз мумкин.

1. «Талаб қилиб олгунча» - йиллик 10%;

2. «Муддатли»:

а) 3 ой муддатга, энг кам омонат миқдори 1000 сўм-йиллик 10%;

б) 6 ой муддатга, энг кам омонат миқдори 2000 сўм-йиллик 20%;

в) 1 йил муддатга, энг кам омонат миқдори 5000 сўм-йиллик 35%;

3. «Кафолатли даромад»:

а) 6 ой муддатга, энг кам омонат миқдори 50000 сўм-йиллик 25%, фоиз даромади олдиндан тўланади.

б) 1 йил муддатга, энг кам омонат миқдори 75000 сўм-йиллик 28%, фоиз даромади олдиндан тўланади.

в) 1 йилдан 3 йилгача, энг кам омонат миқдори 100000-сўм-йиллик 30%, фоиз даромади олдиндан тўланади.

г) 3 йил муддатга, энг кам омонат миқдори 500000 сўм-йиллик 35%.

Савдогарбанк Бошқаруви Сизнинг маблағингизни ишончли, бут сақланишига ҳамда жамғармалар бўйича олиб борилаётган барча операциялар сир сақланишига кафолат беради.

Омонатлар банкнинг барча вилоят, шаҳар ва туман бўлимларида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни 54-19-38; 54-18-65 рақамли телефонларга қўнғироқ қилиб олишингиз мумкин.

«Савдогарбанк» Бошқаруви.

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79.
Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Намаганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40. Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 22.00

Буюртма Г— 0337. Нусхаси — 15.088. Масъул навбатчи: Фазилат ҲОЖИҚУЛОВА 1 2 3 4 5 6